


Ю 25793

Мавжуда Ибайдуллаева

Сизга гул келтирдим



2000A-3170

Мавжуда Ибайдуллаева

*Сизга гул
келтирдим*

Шеңрлар

Восточный Экспресс

АДАБИЕТ ЖАМҒАРМАСИ НАШРИЕТИ


Ўз2
И12

Ибайдуллаева Мавжуда.

Сизга гул келтирдим: Шеърлар.—Т.: Адабиёт жамғармаси нашр., 2000. — 24 б.

Мавжуда Ибайдуллаеванинг шеърларида мураккаб-талотўп дунёга содда, самимий қалб билан боқиб турган аёлнинг күнгил түгёнлари гупуриб туради. Шоира дунёни пок, ҳалол, гўзал кўришни орзу қиласди ва шу юксак туйгуларга талпиниб яшайди. Унинг шеърлари—эзгулик ва ёвузлик, мұҳаббат ва нафратининг зиддиятидан туғилган шеърлардир. Шунинг учун ҳам бу шеърлар юракни эзгулик ва яхшиликка ошно этади.

Ўз2



© Адабиёт жамғармаси
нашиёти 2000.

10 25793
0

СҮЗ ГАВҲАРИ

Ҳуда-бекуда сўзлаб,
сўз нархин арzon қилманг,
Дўсту душманингизга
қалб сирии аён қилманг

Майли, сўзга хасис деб
айб этсиин сизни олам,
Ўзингизга bemavrid сўз ила
зиён қилманг.

Кўнгил дастурхон эмас,
ёйманг дуч келган жойга,
Дилга келган ҳар гани
тил ила баён қилманг.

Дейдилар: айтилган сўз
мисли отилган ўқдир,
Шишадек кўнгилларни
бу ўққа нишон қилманг.

Уч киши билган сирни
билиб олгай бутун эл.
Ўзингиз ёйган сирни
ҳар касдан гумон қилманг.

Тил тоҳо дўстингиздир,
тоҳо душманлик қилур,
Не келса тилдан келур,
охири пушмон қилманг.

Сўздан сўзниң фарқи бор,
юз минг тилло нархи бор,
Дўстни душманга йўйиб,
яхшини ёмон қилманг.

Кўнглиниң уммонидан
сўз дуррин олиб чиқса,
Таъна айлаб Мавжуда
ранг-рўйин сомон қилманг.

ҚАЧОН ҚАЙТАСИЗ?

Боғлар бағри шамолга тўлди,
Сизсиз дунё малолга тўлди,
Қора кўзим хаёлга тўлди,
Сиз кўнглимга қачон қайтасиз?

Юлдуз билан осмон қовушди,
Яхши билан ёмон қовушди,
Ҳамма нарса равон қовушди,
Сиз кўнглимга қачон қайтасиз?

Капалаклар гулларга қўнди,
Фозлар қайтиб кўлларга қўнди,
Нигоҳларим кулларга қўнди,
Сиз кўнглимга қачон қайтасиз?

Умидларим тўлиб-тошган дам
Юрагимниң бир чеккаси кам,
Йўл қарайман, кўзларимда нам,
Сиз кўнглимга қачон қайтасиз?

* * *

Пешонам шўр дея нолима, инсон,
Не кўргулик келса, айбдори ўзинг.
Амалга ошгуси ҳар иш, бегумон,
Гар ният холисдир, гар чиндир сўзинг.

Оғир жудоликлар тушгайдир бошга,
Гоҳ кимдир бевафо, гоҳ кимдир хоин.
Билким, зар бошқаю, оддий жез бошқа,
Диёнат—хиёнат ёнма-ён доим.

Кимгадир кераксан, щунинг ўзи баҳт,
Беҳуда ўртаниб куймагил асло,
Дунёга мўлтираб боқмагил караҳт,
Сендан чирой очиб яшнасин дунё.

* * *

Тошни юксакларга кўтармоқ азоб,
Инсон терга ботиб, ҳориб-пишади.
Юксакдан бир ҳимо қилсанг бас, шу тоб
Ҳар қандай тош жарга бориб тушади.

Ҳурмат ҳам, қадр ҳам тош каби, зотан,
Азоб-ла элтасан ҳув юксакларга.
Гоҳ оддий адашиш, оддий хатодан
У тошдек думалаб кетади жарга.

ТАЗОДЛИ ДУНЁ

Эл аро нақл бор, ёлғонми ё чин,
У кўзинг бу кўзга ёвдир беомон.
Бу сўзнинг маъноси нима? Не учун
Инсонлар бир-бирин кўради ёмон?

Бор бўлсанг кўролмас,
йўқ бўлсанг, золим,
Ҳар лаҳза, ҳар дамда чолмоқ бўлади.
Иши тушганида ҳазиму ҳалим,
Борингни суғуриб олмоқ бўлади.

Азалий мерос-ку эзгулик, савоб,
Жаҳолат, ёвузлик қайдан юқади?
Шу савол бағримни қийнар бежавоб,
Шу савол юрагим мудом сиқади.

Ёддадир онамнинг ўгит бериши:
«Сабр таги—олтин, қизгинам, билгин,
Қоронғу бўлса гар ойнинг ўн беши,
Ўн беши ёруғдир, қаноат қилгин».

Зиддиятли дунё, ўйга толаман,
Майли, ёмоннинг ҳам борига шукр.
Шунда оқ-қорани англаб оламан,
Яхшиларни кўриб қиласман зикр.

Кўксимда юрагим уриб тураркан,
Чидайман барига — ширинми, тахир.
Яхшию ёмонни кўриб юраркан,
Бу очиқ кўзларда нима айб, ахир?!

БАЪЗИ БИР АЁЛЛАР

Хаёллар,
хаёллар,
сўнгсиз хаёллар...

Қалбимни ҳамиша тирнар саволлар,
Хой, сиз йўл четида турган аёллар,
Қайда қолди номус, иффат, ҳаёлар?..

Наҳот алмашдингиз аёллик шаъни,
Оналик меҳрини лаҳзалик ҳирсга?!

Ташлаб кетаркансыз бир норасиданы,
Унинг күз ёшлари увол-ку сизга.

Ким күрган гүдакдек тоза сеҳрни,
Ойни этак билан ким ахир ёпгай?
Сизнинг жонингизда сўнган меҳрни
Наҳот у болалар уйидан топгай?

Гоҳида қош қоқиб, гоҳо күз сузиб,
Ишратнинг тўманли кечаларида,
Юрибсиз кимнингдир баҳтини бузиб,
Бу нопок қабоҳат кўчаларида.

Ҳақиқат олдида бир сўз демассиз,
Азалдан покликнинг тимсоли — Аёл!
Сиз эса на она, на ёр эмассиз,
Сиз фақат ҳаётга заволсиз, завол!

ИШОН

Борлиғим эдинг сен, сўзимга ишон,
Зорлиғим эдинг сен, ёнганиман чунон.

Юракдаги дардим, күз ёшим эдинг,
Дилда чўкиб ётган бир тошим эдинг.

Қушларим вижирлаб қайтган боғ эдинг,
Ишониб суюнсам — суюнч тоғ эдинг.

Афсуски, саробни баҳт деб билибман,
Мен сенга суюниб хато қилибман.

Орзулар тўкилди бамисли хазон,
Нечун мен йўлингга қарайман ҳамон?!

Мени қулатмасин бу қайғу доғи,
Елкамдан суюгил, эй тақдир тоғи.

МУВАШШАҲ

Кизим Дилдораҳонга

Дилимнинг бир парча бўлаги ўзинг,
Илинжим, кутганим, тилагим ўзинг.
Лўппи юз, қора кўз, керагим ўзинг,
Давою дармоним, юрагим ўзинг.
Орзудек бепоён баҳт тилай сенга,
Равзан сафодан таҳт тилай сенга.
Ададсиз орзулар йўлдошинг бўлсин,
Халлоқ мададкоринг, қўлдошинг бўлсин.
Ота-онанг кўнглин нурафшон этгил,
Неки ният қилсанг, барига етгил.

ЭРҚАҚЛАР

Шарқона удумларда улуғ инсон — бу эркак,
Нечун улуғ эканин ул англамоғи керак.
Оилада Ота бу — фарзанд учун андоза,
Фарзандга оталарнинг ибрат,
ардоғи керак.

Ҳаёт фақат ялакат айш эмас, ишрат эмас,
Умр — ёниб яшамоқ,
беш кунлик ғафлат эмас.
Умр — бу ниҳоллардан
навқирон боғ яратмоқ,
Қилган ҳимматинг учун
бировга миннат эмас.

Ҳар савдо унутилгай,
ғам ўтар, заҳмат ўтар,
Кетгай топганинг дунё,
шон ўтар, шуҳрат ўтар.
Эл аро элга азиз фарзанд этсанг тарбият,
Хайрингга дуо етар, эҳтиром,
раҳмат етар.

Тебраниб турар экан дунёнинг бешиклари,
Аста тўлиб боради камию кемтиклари.
Аёлни ардоқлаган,
 фарзанд кўнглин чоғлаган
Эркакларга очиқдир жаннатнинг эшиклари.

ТУРТЛИКЛАР

Юрак муҳаббатсиз, дардсиз бўлмайди,
Эзгулик яратган инсон ўлмайди.
Муҳаббат — абадий ёнган шамчироқ,
Севишган юраклар асло сўнмайди.

* * *

Қадрингга куяр йўқ ўзимдан бўлак,
Холингни турар йўқ ўзимдан бўлак.
Дардларим билмадинг, эй меҳри қаттиқ,
Жонини берар йўқ ўзимдан бўлак.

* * *

Изтироб симиллаб кўз ёшга тушар,
Неки кўргулик бор — бу бошга тушар.
Инсонга келган ғам тоғларга тушмас,
Саботга тушади, бардошга тушар.

* * *

Сабрим бир косадир, тўлдирманг уни,
Ҳисларим мурғакдир, ўлдирманг уни.

Дил деган бир күзгү бердим, синдириманг,
Сизга гул келтирдим, сүлдириманг уни.

* * *

Баҳорда ўру қир, ҳатто том гуллар,
Ҳаёт шаробидан лола жом гуллар.
Меҳрингиз қуёши күйдирди мени,
Намозшом гуллагай намозшомгуллар.

* * *

Инсон баҳтсизликка йўлиқса, билгил,
Устидан кулмоқлик асли бир гуноҳ.
Меҳрға муҳтождир ҳар бир хаста дил,
Дунёга ўт солгай қалбдан чиқсан оҳ..

* * *

Дунёда ҳасадчи, гийбатчи юки
Ҳар қандай юқдан ҳам оғир бўлади.
Баҳтиллар омадин кўролмай, бир кун
Аламдан юраги яғир бўлади.

* * *

Кибру ҳаво, манманлик
Охир бориб паст қилгай.
Ҳасадчи ҳам ўзи, ҳам
Ўзгаларга қасд қилгай.

* * *

Кўйган латтанинг кам-кам
Бурқсибон иси чиқар.
Ҳар қандай ёлғоннинг ҳам
Бир куни миси чиқар.

* * *

Үтиб борар экан не давру даврон,
Ҳар қалбда мангалик энг ширин армон.
Не-не кошоналар вайрона бўлди,
Тоғлар тоғлигича турибди ҳамон.

ТУҒЁН

Ёдингдами, илк бор учрашдик,
Қалбимда уйғотдинг бир түғён.
Кўзлар беихтиёр тўқнашди,
Юрагимга тушди ғалаён.

Интиқ кўнгил сенга талпинар,
Не қиласин билолмас асло.
Беҳаловат ҳаловатимсан,
Сенга жоним фидо доимо.

Қалбим муҳаббатга муштоқ, зор,
Аммо ўшал кўзлар бепарво.
Наҳот севмоқ гуноҳ, сўймоқ — ор,
Наҳот ёнган дилга йўқ даво.

Кун келарми, қўлингдан тутсам,
Қалб сиридан этсам хабардор?
«Сиз кераксиз» сўзин эшитсам,
Баҳтиёр бўлардим, беихтиёр...

БАҲОР

Зумрад сепин ёйди боғларга баҳор,
Чўлларга, қирларга, тоғларга баҳор.
Боғларни тўлдириди саъваю қумри,
Булбулу қарғаю зоғларга баҳор.

Юракда туйғулар янгидан-янги,
Кўзимга бу дунё покиза, рангин.
Бу сокин умримни хушбўю гулгун
Чевирди бир гўзал чоғларга баҳор.

* * *

Қалбим озор чекди ёлғон сўзлардан,
Беҳолгина қаддим босди оғир ғам,
Табассумлар ёнған ўша кўзлардан
Наҳот чекдим шунча изтироб, алам.

Ҳаёт қамчилари мунча шафқатсиз,
Сўраб-суриштирмай савалар, эвоҳ.
Дилга ранж етказган,
дўстим, фақат сиз,
Ифвою тұхматдан кўнгил чекар оҳ.

Мен сизга ишониб қилдимми хато,
Дилнинг синмоғига бир сўз етаркан.
Наҳот яхшиликнинг эвази — жафо,
Ҳатто жон берганинг ташлаб кетаркан.

Энди япроқ каби титрайди юрак,
Бўғзимга тиқилиб келади бир сўз.
На илож, барига чидамоқ керак,
Неки бошга тушса, кўрап экан кўз...

* * *

О ҳисларим, ўйноқ ҳисларим,
Қайноқ дилнинг учирмалари.
Туйғуларим — сирдош дўстларим,
Беором қалб кечинмалари.

Вужудимни ёқар ҳаяжон,
Хаёлларим беадад, чексиз.
Қачон тугаб битар бу ҳижрон,
Кутмоқдаман. Сиз ҳамон тексиз.

Ҳижрон чексиз... Итироб чексиз...:

КИМДАН ХАТО ЎТДИ

Сенданми ё мендан ўтди бу хато,
Айтишдик, хатолар кетди қалашиб.
Тийилмаган тил-ку айлади адо,
Рашк-ла беҳудага қолдик талашиб.

Дарз кетди шишадек кўнгил бус-бутун,
Икки юрак қолди ҳувиллаб бўм-бўш.
Айрилиқ кунига айланди бу кун,
Шайтон сўзи ила бошдан учди ҳуш.

Турмуш -- мушт дегани асли рост эмиш,
Инсонга гинаю дард пешвоз эмиш.
Бахтли бўлар экан ҳамиша, ҳар он
Ўзин илк хатодан тиёлган инсон.

* * *

Юрагинг тўлдирса пушаймон, алам,
Демак, адашгансан, сен ўзинг айбор.
Ҳаётда қоқилсанг, кўзинг бўлса нам,
Бунга боис бордир, бунига сабаб бор.

Юрмагил беҳуда кўзингни ёшлаб,
Жарга элтар эгри босилган қадам.
Дўстларинг бирма-бир кетсалар ташлаб,
Сабабин ўзингдан ахтаргил, одам.

Ўзингни ўтларга урмагил аммо,
Бошга тушганини шу кўз кўради.
Тақдири азалнинг ҳукми шу, илло,
Инсон нима экса, шуни ўради.

МЕҲР СЎРАЙМАН

Қодир Оллоҳ номи билаи сўз бошлаб,
Босиб ўтган ҳаётимга кўз ташлаб,
Дўстларимга баҳт-саодат йўлдошлаб,
Инсонларга боқий умр тилайман,
Мен сизлардан фақат меҳр сўрайман.

Умримнинг мазмунин, юракнинг кучин
Бахшида айлагум Она юрт учун.
Фарзандлар камолин кўрайлик бир кун.
Элимга омонлик, тинчлик тилайман,
Сизлардан биргина меҳр сўрайман.

Ҳар битта юракнинг олови бўлсин,
Орзудан тикланган ялови бўлсин,
Муҳаббат инсоннинг сийлови бўлсин,
Ҳар дилга жозиба, сеҳр тилайман,
Дўстларимдан фақат меҳр сўрайман.

* * *

Юрак тутунига кўмилган
Оҳ-воҳга суюнмас муҳаббат.
Вафо дарёсида чўмилган
Мардликка суюнар тоабад.

Ҳислар борар экан юксалиб,
Инсон гоҳ олов, гоҳ сув кечар.
Дил дилнинг меҳридан тафт олиб,
Ҳаёт қарогидан сув ичар..

* * *

Ҳаётда суяңган тирагим ўзинг,
Ҳар дамда, ҳар ишда керагим ўзинг,
Қалбимнинг парчаси, тилагим ўзинг;
Шубҳалар бизга ҳеч соя солмасин,
Ётлар орамизни буза олмасин.

Үксик юрагимни юрагинг-ла туй,
Ўтиңчили кўзларим меҳр ила суй.
Ҳаёт дарси етар, ўз ҳолимга қўй,
Шубҳалар бизга ҳеч соя солмасин,
Ғанимлар орамиз буза олмасин.

Хавотирли кўзинг, айт, алдамасин,
Тилдан чиққан сўзинг, айт, алдамасин,
Эргашганим изинг, айт, алдамасин,
Шубҳалар бизга ҳеч соя солмасин,
Ҳеч кимса орамиз буза олмасин.

Ёнмасдан яшамоқ ахир не даркор,
Юракда бир умид бўлмаса, минг бор
Ҳаётга келсанг-да, бариси бекор,
Шубҳалар бизга ҳеч соя солмасин,
Уртадан меҳрни буза олмасин.

* * *

Ўзингни санама бекаму кўст деб,
Қусурлар йўқ эмас ҳар бир инсонда.
Сирингни очмагил ҳар кимга дўст деб,
Беҳуда ёнмагил сўнгра пушмонда.

Манманлик келтиргай изтироб, алам,
Оёғинг заминдан узилиб кетар,
Қамтарлиги билан гўзалдир одам,
Инсон шу хислатдан камолга етар.

* * *

Сен кўз ёш тўксангу, парво қилмаса,
Бахтингдан севиниб, қувнай билмаса,
Қаддинг эгилганда тиргак бўлмаса,
Бундай ёстиқдошнинг не кераги бор?

Оталик бурчини унутса мутлоқ,
Фарзандлар ҳолидан бўлмаса огоҳ,
Ғурур, ор йўқолса, дўст бўлса ароқ,
Бундай бағритошнинг не кераги бор?

Дилин эритмаса бу ёшли кўзлар,
Бергани — пуч ваъда, бесамар сўзлар,
Худбинлик аро ўз ишратин излар,
Бундай оғир тошнинг не кераги бор?

* * *

Куюниб сўзладим, англамадинг сен,
Ўртада ётибди совуқ сукунат.
Лоқайд сўзларингни тингламадим мен,
Бу қандай ҳаётдир, қандай муҳаббат?
Наҳот пешонамга ёзилмишдир ғам,
Наҳот эҳтирослар, ёнишлар тинди?
Ортимга термулиб турибман пурғам,
Наҳот ҳузуримга қайтмайсан энди?
Севги — икки кўнгил киришган жангмас,
Менга қайтмоғингнинг ўзи кифоя.
Бир мисқол меҳрингни аямасанг бас,
Сенга суяч бўлгум бамисли қоя.
Ширин сўзларингни айтиб кел, жоним,
Булутдек тарқасин шубҳаю гумон.
Богимга баҳордек қайтиб кел, жоним,
Кўзларим йўлингда интизор ҳамон..:

ХУВАЙДО БОБОМГА

Шеърият гулшанин обод айлаган,
«Роҳати дил» дебон Чимён элида.
Оташ ғазалларда фарёд айлаган,
Ишқ дарё мисоли тошган дилида—
Хувайдо бобомни ёд этгум бугун,
Жаннати руҳларин шод этгум бугун.

Замона зайлidan сўйлаб ўтдилар,
Оллоҳга муҳаббат, әлга садоқат.
Гўзал ёр vaslidan куйлаб ўтдилар,
Нолакор булбул ҳам лолу хижолат.
Хувайдо бобомни ёд этгум бугун,
Жаннати руҳларин шод этгум бугун.

Азиз номларини эслаган замон,
Қалбимда туғилар улур бир ният.
Шу ишқда ёнсайдим мен ҳам беармон,
Мени ҳам қилсайди шу ишқ тарбият...
Хувайдо бобомни ёд этгум бугун,
Покиза руҳларин шод этгум бугун.

ҚИЗГИНА

Шўх нигоҳла йигит ҳушини олиб,
Жилваю ноз ила боқар қизгина.
Қош чимириб, оташин чўғлар солиб,
Бағрин гулхан каби ёқар қизгина.

Юришлари товус каби хиромон,
Киприклари наштар каби беомон,
Иўлларида ошиқларин бағри қон,
Сенга ахир, айт, ким ёқар, қизгина.

Ёноқлари лов-лов ёниш юради,
Кўйлаклари оловланиб юради,
Неча йигит каловланиб юради,
Ишқ гулини кимга тақар қизгина?

* * *

Биламан, азизим, кўрмайсан раво
Ҳатто нозик елдан озор чекишим.
Бўлгинг келар ҳар бир дардимга даво.,
Истамайсан менга тошлар тегишин.

Гоҳо қилганингда панду насиҳат,
Эшитиб тураман бошим эгиб жим,
Сенинг кўзларингда эзгу бир ният,
Меҳрингдан бу кўнглим тўлар лиммо-лим.

Ёнимда дўстлар кўп, яқину йироқ,
Ҳаёт сўқмоқлари баланд-паст экан.
Чинордек сен савлат тўкиб турган чоқ
Шунчаки таниш ҳам яқин дўст экан.

Беғараз дўстинг — ўз жигаринг эрур,
Ночор кунларингда елкасин тутар.
Менинг жигарларим бошига тўқ нур,
Худойим, уларни юксакка кўтар...

* * *

Бардош деган бу майдонга тоқ тушган,
Фарзанд дея кўзлари муштоқ тушган,
Қора тунда соchlарига оқ тушган
Она каби улуғ зот йўқ дунёда.

Билолмайман, оналарда не сир бор,
Юрагида дунё-дунё меҳр бор.

Онадан зўр яна қандай сехр бор,
Она каби улуг зот йўқ дунёда.

Не ғам келса, барин чекиб боради,
Бу ҳаётга жонин экиб боради,
Фарзандига борин тикиб боради,
Она каби улуг зот йўқ дунёда.

Умрдир бу, сойдек оқиб ўтади,
Ғаму қувонч ўткинчидир—кетади,
Сўнгги дамда инсон англаб етади,
Она каби улуг зот йўқ дунёда.

* * *

Юракни эзади рашқ ила ёниш,
Узун кечаларим ўтадир бедор.
Қалбга хукмрондир ҳижрон, ўртаниш,
Ҳаётим қувончи фақат ўзинг, ёр.

Иўлингга боқаман интизор, нигун,
Қизғонаман сени ёзлар, кузлардан.
Ва лекин лабларим пичирлар беун:
Худойим асрасин ёмон кўзлардан..:

МУВАШШАҲ

Үғлим Шерзодга

Шерболадек ҳадик билмай ўс,
Ер титрасин қадамлаарнгдан.
Разолатнинг йўлин доим тўс,
Замоннинг бўл одамларидан.
Ота-онанг фарзанди бўлгин,
Доим одам фарзанди бўлгин.

Қабристонга оғир сукунат чўккан,
 Сизнинг бошингизга келдим, онажон.
 Мен ҳамон кўз ёши тўкканим-тўккан,
 Айрилиқ нелигин билдим, онажон.
 Сизсиз не қилурман, волидам, энди,
 Мурғак юрагимни ғам-андуҳ енгди.

Нур ёққан фаришта юзларингизни
 Қанийди бир бора силасам, эвоҳ.
 Ҳар бири дурга тенг сўзларингизни
 Эшиитмоқни насиб этсайди Оллоҳ,
 Сизсиз не қилурман, волидам, энди,
 Муштдеккина қалбим ғам-андуҳ енгди.

Софинчдан бу қўнгил ўқсиб йиғлайди,
 Уйда сувратингиз туар тикилиб.
 Бир оғриқ наштардек кўнглим тиғлайди,
 Сиз кириб келмайсиз эшиқдан кулиб,
 Сизсиз не қилурман, волидам, энди,
 Нозик вужудимни ғам-андуҳ енгди.

Ким айтар: дунёда дардсиз бир юрак,
 Аламдан бу кўкси пора-пора йўқ?!
 Биламан, барига чидамоқ қерак,
 Сабрдан, тоқатдан ўзга чора йўқ.
 Сизсиз не қилурман, волидам, энди,
 Бугун қизингизни ғам-андуҳ енгди.

ВАТАН ПОСБОНЛАРИ

Баркашдек ой сочади шуъла,
Юлдузларга тўладир осмон.
Эл осуда кетар уйқуга,
Фақат сизлар сергаксиз ҳамон,
Эй Ватаннинг посбонлари,
Элнинг жасур ўғлонлари.

Сиз туфайли ҳар хонадон
Тўлгай гўдак кулгусига.
Сиз борки, тинч замин, замон,
Масъулсиз юрт келгусига.
Буюк боболар ёдисиз,
Алпомишлар авлодисиз.

Зоғлар келмас, токи сиз бор,
Яшнаган юрт бўстонига.
Қора булат чиқмас зинҳор
Элнинг умид осмонига.
Раҳмат, Ватан посбонлари,
Юртнинг метин қалқонлари.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| <i>Сүз гавҳари</i> | 3 |
| <i>Қачон қайтасиз?</i> | 4 |
| <i>«Пешонам шўр дея...»</i> | 5 |
| <i>«Тошни юксакларга...»</i> | 5 |
| <i>Тазодли дунё</i> | 5 |
| <i>Баъзи бир аёллар</i> | 6 |
| <i>Ишон</i> | 7 |
| <i>Мувашшаҳ</i> | 8 |
| <i>Эркаклар</i> | 8 |
| <i>Тўртликлар</i> | 9 |
| <i>Тугён</i> | 11 |
| <i>Баҳор</i> | 11 |
| <i>«Қалбим озор чекди...»</i> | 12 |
| <i>«О ҳисларим...»</i> | 13 |
| <i>Кимдан хато ўтди</i> | 13 |
| <i>«Юрагинг тўлдирса пушаймон...»</i> | 13 |
| <i>Мехр сўрайман</i> | 14 |
| <i>«Юрак тутунига кўмилган...»</i> | 14 |
| <i>«Ҳаётда суюнган...»</i> | 15 |
| <i>«Ўзингни санама бекаму кўст деб...»</i> | 15 |
| <i>«Сен кўз ёш тўксангу...»</i> | 16 |
| <i>«Куюниб сўзладим...»</i> | 16 |
| <i>Ҳувайдо бобомга</i> | 17 |

| | | |
|-------------------------------|-----------|----|
| Қизгина | | 17 |
| «Биламан, азизим...» | | 18 |
| «Бардош деган бу майдонга...» | | 18 |
| «Юракни эзади...» | | 19 |
| Мувашшах | | 19 |
| «Қабристонга оғир...» | | 20 |
| Ватан посбонлары | | 21 |

Адабий-бадший нашр

Мавжуда Ибайдуллаева
СИЗГА ГУЛ ҚЕЛТИРДИМ

Шеърлар

Муҳаррир *У. Қўчқоров*
Техник муҳаррир *Е. Толочко*
Мусаҳҳиҳ *Б. Равшанов*

Босмахонага бўрилди 17.05.2000. Босишга
руҳсат этилди 12.06.2000 Бичими $70 \times 90^{1/32}$.
Шартли босма табори 0,88. Нашр босма
табори 0,68. Адади 2000 иусха. Буюртма
№ 99. Шартнома 1—2000. Баҳоси кели-
шилган нархда.

Адабиёт жамғармаси нашриёти, Тош-
кент, Жавоҳарлать Неру, 1.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот
қўмитасининг Тошкент китоб-журнал
фабрикасида чоп этилди. Тошкент—194,
Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.

280c



Мавжуда Ибайдуллаева Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат университети журналистика факультетини тутатган. Шунингдек, Тошкент Давлат иқтисодиёт институтида ҳам таҳсил олган. Ҳозир у Андижон шаҳар «Тикувчи» ишлаб чиқариш корхонаси ва «Дилдора-У» хусусий фирмасининг раҳбаридир. Айни пайтда Андижон шаҳар «Тадбиркор Аёл» уюшмасининг раисидир.

Мавжуда Ибайдуллаева 1974 йилдан бўён мамлакатимиз матбуотида ўзининг турли жанрдаги асарлари билан фаол иштирок этиб келади.